

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 23-may, payshanba 39 (9006)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ Йўналишлари белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни электротехника саноатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ҳаёт сифати ўсиши билан аҳоли орасида ва иқтисодиёт тармоқларида электротехника маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда. Жаҳон миқёсида бундай товарлар экспорт ҳажми 2 триллион 500 миллиард доллардан ошиб, йилига 10 фоиз ўсиш кузатишмоқда.

Бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга. Ички бозор, муассаса ва хонадонлар юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланган. Ўтган йили, масалан, тармоқ корхоналарида 2 мингдан ортиқ турдаги 9 триллион 600 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, соҳага кенг шароитлар яратилганига қарамай, катта миқдорда электротехника буюмлари импорт

қилиняпти. Минтақа бозорига эса мамлакатимизнинг экспорт улуши етарли эмас.

Йиғилишда экспорт-импорт конъюнктурасини ўрганиш асосида электротехника саноатини ривожлантириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига 2022 йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ҳисобига импортни оптималлаштириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бунинг учун хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирда мисдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг 50

фоиздан кўпроги оддий симдан иборат. Шуни чуқур қайта ишлаб, мис трубклар, интернет ва алоқа кабеллари тайёрланса, жаҳон бозорига қимматроқ сотилади. Машиини техника, қурилиш, саноат ва медицина учун зарур асбоб-ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш борасида ҳам салоҳият етарли экани қайд этилди.

Маҳсулотлар экспортда транспорт харажатларини камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг таннархини камайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган кўпгина эҳтиёт қисмлар импорт қилинаётгани, бу таннархнинг қимматлашиши

энергетика, ахборот ва коммуникация технологиялари, автомобилсозлик каби тармоқларда ички кооперацияни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий бозорларга кириб бориш учун ташқи ҳамкорликни ҳам ривожлантириш муҳим. Шу боис жаҳонга машҳур брендлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулотларни халқаро стандартлар асосида сертификатлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга яратилган шароитлар таҳлил қилинар экан, бу борада эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутуши қайд этилди. "Навоий" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналарида янги лойиҳаларни жойлаштириш, "Термиз" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди. Тармоқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида замонавий инфратузилмага эга электротехника технопарклари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича кўрилаётган комплекс ташкилий-техник чоралар телекоммуникация хизматларининг сифатини яхшилаш ва турларини ошириш, шу жумладан, мобил алоқа қамровини кенгайтиришга имкон бермоқда.

Шу билан бирга, олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион ҳудудларда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйида телекоммуникация инфратузилмасини, шунингдек, Интернет тармоғига симсиз кенг поласали улашиш тармоқларини ривожлантириш суръатлари етарли эмас.

Телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур инфратузилмани яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки: телекоммуникация тармоқлари, қурилмалари, воситалари ва объектлари, операторлар ва провайдерларнинг мобил алоқа базавий станциялари, шу жумладан, ижарага берувчиларнинг ҳудудларида ижара асосида ўрнатилган станциялар (кейинги ўринларда – телекоммуникация объектлари) мулкчилик шаклидан қатъи назар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари ҳисобланади;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан, кабель каналлаш, паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминланмаган жамоат, саноат, турар жой, маъмурий бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, лойиҳа-смета ҳужжатлари 2019 йил 1 июлгача тасдиқланган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно; телекоммуникация объектларини кўчириш, қайта ўрнатиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига учинчи шахслар томонидан ҳар қандай аралашши юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ҳамда фақат мазкур объектларнинг эгаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг телекоммуникация объектларини кўчириш ёки қайта ўрнатиш, уларни солаш ишларини амалга ошириш бўйича харажатлари мазкур ўзгаришларнинг ташаббускори томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади;

бинода яшовчилардан телекоммуникация хизматларини тақдим этишга ариза мавжуд бўлганда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларига бино ичида телекоммуникация тармоқларини паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмадан бегараз асосда фойдаланган ҳолда ўтказишни рад этишга ёки тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар, мобил алоқа база станцияларини ўрнатиш бундан мустасно.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида қишлоқ хўжалигида ёмғирлатиб сугориш технологиясининг замонавий усулларини жорий этиш истиқболларига бағишланган амалий семинар бўлди.

Ёмғирлатиб сугориш технологиясининг афзалликлари

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, экспертлар, соҳага оид хорижий компаниялар вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Сув хўжалиги вазирлигининг Равшан Мамутов сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда белгилаб берилган долзарб вазифалар хусусида маълумот берди. Жумладан, ёмғирлатиб сугориш тизими ёрдамида ер юзасида ҳеч қандай сув оқими вужудга келмайди ва барча сарфланган сув ерга сингиб кетади.

Айниқса, бутун дунёда оммалашаётган пивот ёмғирлатиб тизими ер майдонини бир текис сугоришда қўл келади. Ёмғирлатиб сугориш тизими орқали "AGROVER" масъулияти чекланган жамияти 2018 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ва Сурхондарё вилоятининг Саросиё туманида 350 гектар майдонда картошка етиштириш бўйича яхши натижага эришди.

"Agro milk plants" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2019-2020 йилларда Жиззах вилояти Зафаробод туманида 480 гектар майдонда ёмғирлатиб сугориш тизимини жорий қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу сугориш тизими асбоб-ускуналари республикамизда ишлаб чиқарилмаслиги сабабли тўлиқ импорт қилинади. 2019-2020 йилларда "Узартотехсаноатхолдин" акциядорлик жамияти томонидан "Чирчиқгармош" ишлаб чиқариш базасида ёмғирлатиб сугориш тизими машиналари ва асбоб ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича 40 миллион АҚШ доллари қийматида манзилли дастур тайёрланди.

Соҳада ушбу усулни интенсив боғларда, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида оммалаштирган деҳқон-фермерларимиз саяё-ҳаракати туфайли табиий ва моддий ресурслар тежалади. Шу билан бирга, ҳосилдорлик ошиб, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз ва арзон нархларда етказиб беришга имконият яратади.

Семинарда Испаниянинг "AISCO" ирригация компанияси мутахассислари томонидан бугунги кунда дунёнинг кўплаб сув танқис мамлакатлари қишлоқ хўжалигида жорий қилинган ёмғирлатиб сугоришда пивот ёмғирлатиб сугоришнинг ютуқлари бўйича тақдимот ўтказилди. Маълумотларга кўра, жаҳонда атиги 11 фоиз ёмғирлатиб, 3 фоиз ер майдонига томчилатиб сугориш технологияларидан фойдаланилади.

– Шуни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида аънавий сугориш тизимидан механик ирригация йўналишига ўтиш иқтисодий жиҳатдан қўлай бўлиб, табиий ресурсларни тежашга ёрдам беради, – дейди "AISCO" ирригация компанияси бош директори Даниел Фернандес. – Бундан ташқари, ушбу тизимдан кўп йиллар давомида фойдаланиш мумкин бўлиб, барча ишлар компьютерлаштирилган. Муҳими, бу технология 50 гектарлик дала майдонларида ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинлари учун мўлжаллангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда сугориш технологияларини ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, пахтани парваришларининг замонавий усулларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Абдулазиз МУСАЕВ, Ў.А мухбири.



Наманган яна гуллар оғушида

Наманганда аънавий "Гуллар байрами"га асос солинганга 2020 йилда 60 йил тўлади. 26 май куни нафақат мамлакатимизда, балки Ўрта Осиё миқёсида энг нуфузли байрамлардан бирига айланаётган тадбирнинг очилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Наманганга қилган ташрифлари чоғида берган таклиф ва ташаббуслари, қўллаб-қувватлашлари боис, соҳада катта ўзгаришлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017

йил 16 октябрда "Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши гулчиларга дунё эшикларини очиб берди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сайёр қабулларда муаммолар ечим топмоқда

Инсон ҳаёти давомида ҳамisha нимагадир эҳтиёж сезиб яшайди. Орзуларнинг, йў-хаёлларнинг эса чек-чегараси йўқ. Шунга яраша муаммо ва ташвишлар ҳам ҳамisha биз билан ҳамқадам. Олдимизда турган муаммолар гирдобида ўралашиб қолганимизда, тегишли масъулларга мурожаат қиламиз, албатта.

Масалаларнинг айрими шахсий, баъзилари эса ижтимоий бўлади. Аммо уларга ечим топиш керак. Бугун мамлакатимизда ҳар бир мурожаат эътиборда. Мурожаатларни эшитиш, ўрганиш, моҳиятини тушуниш ва ижобий ҳал этиш механизми

яратилди. Нурота туманидаги марказий истироҳат боғида Навоий вилояти ҳокими Қ.Турсунов томонидан ўтказилган навбатдаги оммавий сайёр қабулда ҳам ҳудуд аҳлининг ҳар бир мурожаати алоҳида эътиборга олинди.

Сайёр қабул давомида фуқаролар томонидан 42 та масалани ўз ичига олган 31 та мурожаат йўлланди. Уларнинг 11 таси жойида ечимини топган бўлса, 9 таси бўйича қонуний тушунтириш берилди. Қолган 22 та мурожаат қандайдир талаб қилганлиги боис, уларни мунонатлаштириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар юклатилди.

Эътироф этиш кераки, сайёр қабуллар халқ билан мулоқотта мустаҳкам замин яратмоқда.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сувда "селен" аниқланди у "саратон"га даво(ми?)

Чустлик фермер Абдусаттор Йўлдошев фермер хўжалиги учун ажратилган 20 гектарлик ерда боғ яратиш мақсадида артезиан қудуқ қазиб, 350 метр чуқурликдан сув чиқарди. Боғни сугориш мақсадида қазилган артезиан қудуқдан чиқаётган сувда инсон саломатлигини тиклашда ўта ноёб модда "силен" борлиги аниқланди.

Бир таниши шу сувни ичиб, астмадан халос бўлганини айтганда ишонмаган фермер, уқасининг узоқ йиллардан бери тузалмайдиган ярасига малҳам сифатида тасвия этади. Уқаси эса бор йўғи бир неча кунда узоқ йиллик дарддан фориг бўлади. Шундан кейин фермер илмий текши-

риш институтига мурожаат этади. Илмий ходимлар бу сувда ноёб минерал – "селен" борлигини айтишади.

Тадқиқотларга кўра, кунига 200 мкг. "селен" истеъмол қилиш, саратон хасталигининг эҳтимолини камайтиради. Шунингдек, простата безини 63 фоиз, энгил саратонни 46 фоизга ва умуман саратон касалликларидан вафот этиш хавфини 39 фоизга камайтиради.

Ҳозирда бу ерга вилоятнинг турли ерларидан, ҳатто қўшни вилоятлардан келувчилар сони соат сайин ошиб бормоқда.

Айни пайтда фермер бу ерда маъданли сув қадоқлаш устида ҳаракат бошлаган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

(Боши 1-саҳифада)

2. 2019 йил 1 августдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат-хусусий шериклик шартларида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун телекоммуникация инфратузилмасини яратишни таъминлаган телекоммуникация операторлари ва провайдерларига, мобил алоқа операторларидан ташқари, 10 йил давомида қуйидагилар кафолатланади:

уларнинг хизматларидан олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари фойдаланиши; "Ўзбектелеком" АК томонидан Интернет тармоғига кириш хизматини улашидан жойдан қатъи назар ягона тариф бўйича тақдим этилиши;

олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан мазкур ташкилотларга, шунингдек, ушбу ҳудуддаги аҳоли ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган телекоммуникация воситаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмаларни бегараз асосда тақдим этиш;

б) телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган база олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини яратишга йўналтирилган маблағлар суммасига қаматирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларига, улар телекоммуникация тармоқларига уланганидан сўнг, уларнинг бюртомлари бўйича телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари учун зарур маблағларни ажратсин.

3. Белгилансинки:

Wi-Fi технологияси бўйича симсиз маълумотлар узатиш учун сигнал қувватидан қатъи назар 2400-2483,5 МГц ва 5000-5999 МГц радиочастота полосаларида **эксплуатацион йггим ва радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмайди**;

давлат кўчаси мулкдан телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун фойдаланганлик ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, "симли электр алоқаси"дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенг миқдорда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

қўлланилади.

4. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат субдоменида (gov.uz) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилсин.

5. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2022 йил 1 январга қадар телекоммуникация объектларини қуриш-монтаж ишларини, радиоэлектрон воситаларни ўрнатиш майдончаларини (жойларини) ўрнатилган тартибда келишгандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан параллел равишда амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат, маъмурий, турар жой ва саноат мақсадларидаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалашга топшириқларни ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

иқки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят марказларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг сервер ҳамда телекоммуникация қурилмаларини замонавий майдончаларда жойлаштириш бўйича хизматлар мажмуасини тақдим этувчи хостинг ва трафик алмашуви марказларини ташкил этиш бўйича "Йўл ҳазиртаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида кенг полосали улашиш ва мобил Интернет қамрови зоналари тўғрисида ҳудудлар кесимидаги маълумотларни чоп этиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

телекоммуникация операторлари ва провайдерларига телекоммуникация объектларини ўрнатишга ҳар тарафлама кўмак берсин, шунингдек, заруратга кўра, уларнинг темир йўллар бўйидаги электр тармоқларига улашишни таъминласин;

йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш ва капитал таъмирлашда бир вақтда темир йўллари бўйлаб, шунингдек, заруратга кўра, автомобиль йўллари бўйлаб келгусида телекоммуникация операторлари ва провайдерларига ижарага бериш учун телекоммуникация каналлашмасини қуришни кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ҳамда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларга, шунингдек, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

иқки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят марказларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг сервер ҳамда телекоммуникация қурилмаларини замонавий майдончаларда жойлаштириш бўйича хизматлар мажмуасини тақдим этувчи хостинг ва трафик алмашуви марказларини ташкил этиш бўйича "Йўл ҳазиртаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг мурожаатлари асосида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйида доимий фойдаланиш (ёки узоқ мuddатли ижара) ҳуқуқида телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан, оптик-топалли алоқа линияларини, антенна минора ва мачталарини ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш хоналарини қуриш учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда илгор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа ва симсиз улашиш қурилмаларидан турли частоталардаги электромагнит нурланиши таъсири хавфсизлигининг санитария қоидалари ва меъёрларини қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ билан биргаликда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйида қуйидагиларни ўз вақтида таъминлаб борсин:

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари мурожаатлари бўйича телекоммуникация объектларини электр тармоқларига улаш;

вилоятлар ва туманлар марказларидаги мобил алоқа тармоқлари базавий станцияларини ҳамда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг марказий боғламаларини, телерадиоэшиттириш объектларини

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 май

электр тармоқларидан ўчирилмайдиган тоифали объектлар қаторига кириштириш;

электр тармоқлари таянч устунларига телекоммуникация тармоқларини бегараз асосда ўрнатишга (осишга) рухсат бериш.

12. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан олиб кириладиган телекоммуникация воситалари иловага мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йггимлардан ташқари) озод этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туристик объектларда босқичма-босқич, шу жумладан, 2019 йилда давлат-хусусий шериклик шартларида Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталарни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш ва тегишли хулоса беришни улар киритилган санасидан бошлаб икки ҳафта мuddатда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

илгор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда телекоммуникация объектларини олиб кириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан тақомиллаштириш ва қисқартириш;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи уринбосари А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент вилояти

Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси барча шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган эзу ишларда дастурамалаб бўлмоқда. Хайрли ишлар жойларда секторлар бўйича барча ҳудудларни тўла қамраб олаётганлиги, улар босқичма-босқич туманлар марказидан бошланиб, энг чекка жойларга чекка ёйишга қўйилганлиги эса аҳолини қувонтиришида.

Бор-йўғи ўтган икки ой ичида жойларда ушбу беш ташаббус бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Масалан, бу борда тажриба сифатида танлаб олинган Бўқа тумани эндиликда бошқа ҳудудларга андоза бўлмоқда. Бугун туман марказига кириб борар экансиз, энг аввало, унинг қисқа фурсатда ўзгарган гўзал қиёфаси эътиборингизни тортади. Чор-атроф гулзорларга бурканган, йўл бўйларига улуг мутафаккирлар, ёзувчи ва шоирларнинг суратлари осилган. Уларнинг ҳикматли сўзлари яшашга, меҳнатга бўлган иштиёқингизни кучайтиради. Барча марказий кўчалардаги маданий-маърифий масканлар, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари пештоқиға битилган китобхоналик, соғлом турмуш, санъатсеварлик ва билим олиш тарғиботиға оид шоирлар шунчаки даъватлар эмас. Беш ташаббуснинг барчаси туман бўйича амалда тўла тўқис ижро этилмоқда. Бўстон қишлоғи туманининг чекка



Ташаббуслар ижросига ўн миллиард сўм

ҳудудида жойлашган бўлиб, узоқ йиллардан буён эътибордан қилиб келаётганди. Эндиликда барча шаҳар ва туманлардан келиб, бу ердаги қисқа фурсатда амалга оширилган ҳавас қилса арзигулик ишларни ўрганиб кетишяпти. Эътироф этишга арзирли ўзгаришлар кўп. Қишлоқ кўчалари асфальтланган, янги симёғочларга ўрнатилган чироклар ёғдусида тунлар ҳам чарогон. Маданият марказида ташкил этилган бир нечта тўғаракларда янги мусиқа асбоблари билан машғуллар ўтилмоқда. Замонавий ўриндиқлар билан қайта жиҳозланган маросимлар залида қишлоқ аҳолига янги бадий фильмлар намойиш қилинмоқда. Таъмирдан чиқарилиб, қайта фойдаланишга топширилган ўйингоҳ ҳам эндиликда кун бўйи ёшлар билан гавжум. Энг муҳими, қишлоқнинг

бир йўла 400 нафар бандлиги таъминланган хотин-қизлари икки навбатда тикув цехларида шоду хуррамликда меҳнат қилмоқда.

– Булар ҳали ҳаммаси эмас, – дейди "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Моҳиша Сулаймонова. – Қишлоғимизда ёшлар боғи ташкил этилди. Оилавий поликлиника, 150 ўринли мактаб-гача таълим муассасаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ўйингоҳ ҳудудида маҳалла ёшлари учун 3 қаватли янги спорт мажмуаси бунёд қилинмоқда. Умумтаълим мактабларимиз оптик топалли алоқа тармоғига эга бўлиб, китоб фонди ҳам бойиди. Хонадонларга нур, фойз киряпти. Шу жиҳатдан қараганда, Президентимиз ташаббуслари "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дас-

турларига ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятлидир. Очиғи илгари қишлоғимизга меҳмон келса, хиёлот бўлардиқ. Бугун эса ҳолат бутунлай бошқача.

Президентимизнинг бўқалик ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан Янгиқўрғон маҳалласидаги 500 нафардан зиёд йигит-қизлар ҳам баҳраманд бўлди. Ҳудуддаги стадионда ташаббуслар ижросига бағишлаб ўтказилган тадбирда улар ҳам фаол иштирок этдилар. Таниқли хонадаларга қўшилиб қўшиқ айтиб, рақс тўшдилар. Ёзувчи ва шоирлар билан юзма-юз мулоқотлар қилди. Қишлоқда замонавий кутубхона фаолияти йўлга қўйилди. Ўйингоҳ таъмирланиб, ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шўғулланишлари учун имконият яратилди.

– Қишлоқда ёшларнинг тас-

биркорликка қизиқишларини ошириш учун хунармандчилик ва қишлоқ ҳўжалиги асбоб-ускуналари кўргазмаси намойиш этилди, – дейди Бўқа тумани фермер, деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Комилжон Бойқўзиёев. – Томорқа ер эгаларига кўплаб помидор, бодринг, булғор қалампир, гуллар ва дарахт кўчатлари, шунингдек, 800 та парранда ва 300 беш қуён бепул тарқатилди. "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури асосида тижорат банклари ходимлари ёшлар билан кредитлар олиш бўйича мулоқот ўтказди. Бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бундан буён мактаб кутубхоналари нафақат ўқувчилар учун балки, аҳоли учун ҳам очик бўлади. Таълим муассасаларининг барчаси оптик топалли юқори тезликдаги интернет тармоғига уланади. Туман марказидаги эски почта биноси янгидан қурилади. Икки қаватли бионинг биринчи қавати рақамли технологиялар бўйича ўқув маркази бўлади.

Бўқада бўлаётган барча ўзгаришлар вилоят аҳлини гурулантиришмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташаббуслар ижросини таъминлаш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилаётир. Маълумотларга кўра, дастлабки босқичда белгиланган ишларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан 10 миллиард сўм маблағ ажратилади. Вазиятдан келиб чиқиб, бу рақам яна ўзгариши ҳам мумкин. Ташаббуслар ижроси бўйича навбатдаги манзиллар этиб Оққўрғон, Пискент ва Қуйи Чирчиқ туманлари белгиланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ, мазкур туманларда амалий ишлар бошлаб юборилган.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган яна гуллар оғушида

(Боши 1-саҳифада)


Вилоятда маҳаллий тажрибаларни қўллаган ҳолда Голландия, Италия, АҚШ, Белгия, Франция, Япония, Туркия давлатлари гулчиларининг ютуқлари оммалаштирилди. Ишбилармон ва тадбиркорлардан ташкил топган делегация Жанубий Корея давлатида бўлиб, у ердаги энг сўнгги инновацион янгиликларни ўрганиб қайтди. Наманган шаҳридаги "Орзу" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2018 йили 3,5 миллиард сўм маблағ эвазига маъмурий бино, гуллар галереяси, биотехнология илмий ишлаб чиқариш лабораторияси, 2,5 сотихли 4 та ёпиқ ва 10 сотихли сино майдончаларини ўз ичига олган, Марказий Осиёда ягона "Гулчиликни ривожлантириш маркази"нинг қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги соҳа эгаларига катта имкониятлар эшигини очиб берди. Япония, Хитой, Россия давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар, мебеллар, кимёвий воситалар билан таъминланди. Наманган давлат университетини ва Наманган муҳандислик технология институтини соҳага оид мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қарор ижросини таъминлаш борасида вилоятда 40 нафар гулчиға иссиқхоналар қуриш ва кўчатлар етиштириш учун 15 гектар ер майдони ажратилди. Туманларда ҳам гулчилар мактаблари ташкил этилди. Мингдан ортиқ хонадон томорқаларида гул кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Натияжада 2019 йилда баҳор, ёз, куз мавсуми учун 30 миллион тўлдан мўлроқ гул кўчатлари тайёрлаш, вилоятларга етказиш, қўшни давлатларга экспортни йўлга қўйиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Илдан-илга нузфузи ошиб бораётган Наманган гулчилик мактабига, "Гуллар байрами"га Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари гулчилари, чет элликларнинг қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Уттан йили Жанубий Корея, Россия, Голландия, Туркия, Туркменистон, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби ўндан ортиқ давлатлардан меҳмонларни қутиб олган наманганликлар ушбу йилда кўплаб мамлакатларнинг гулчиларини, шу жумладан, голландияликларнинг кўргазмалари билан танишиш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.

Наманган шаҳри ҳокимининг ўринбосари Абдулҳоди Иминов матбуот анжуманида таъкидлаганидек, аънамага кўра, байрам Максим Семаев бошчилигидаги "Водители Намангана" намунали хайдовчилар гуруҳининг гуллар билан безатилган юздан ортиқ автомобиллар қаровининг юришидан бошланади. Наманган халқаро аэропортидан йўлга чиққан қарвон Исом Каримов, Алишер Навоий, Амир Темур, Бобораҳим Машраб кўчалари бўйлаб барчани қарнай-сурнайлар садоси остида чорлаб боради. "Гул байрами" ва кўргазмалар ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп қомозициялар ва беш миллион тўлдан кўпроқ гуллар оғушида янада чирой очган З.М.Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Етти кун давом этадиган шўқули онларда унинг қатнашчилари таниқли ва истеъдодли ёшлар ижросидаги концерт дастурлари, дорбозлар томошаси, кўнгилочар ўйинлардан баҳраманд бўлади. Байрамда 150 нафардан кўпроқ гулчи-тадбиркорлар, 100 дан ортиқ ташкилотлар иштироки кутилмоқда. Ҳалилар бу йил ҳам нисомга кўра турли номинация бўйича аниқланиб, вилоят ҳокимининг дипломи ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Халқимизда чорваси борнинг баракаси бор, деган ҳикматли зап бор. Чиндан ҳам аҳоли чорвани барака манбаи, деб билади. Негаки, уч-тўрт сўм орттирган пулига қозғиға бир бош ғунажин боғлашни ишончли ҳисоблайди. Сабаби, ғунажин вақти келиб сизир бўлади, бузоқчаси эса фойдага қолади.



Қорамолларга электрон чиплар тақилади

Сут-қатиғи эса рўзгорга барака киритиб, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашда асқатади. Шу боис, мамлакатимизда чорвачиликни ва ветеринария хизмати кўрсатишни ривожлантириш, аҳолини арзон ҳамда сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасида бўлиб ўтган тадбирда ҳам тармоқни ривожлантиришнинг бир қатор омиллари хусусида сўз борди.

– Инвестициялар билан ишлашда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агротехнология ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Агентлиги билан Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикаси чорвачилик тармоқини ривожлантириш” лойиҳаси ҳисобидан жуда кўп ишларни амалга оширяпмиз, – дейди кўмита

раиси Баҳром Норқобилов ўз маърузасида. – Хусусан, 2018 йил апрель ойининг охири ва май ойининг биринчи ўн кунлигида Халқаро эпизоотик Бюронинг консултантлари билан ҳамкорликда ветеринария хизматини халқаро стандартларга мослаштириш учун зарур асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар ва хизматларнинг турлари ва уларни харид қилиш учун талаб этиладиган инвестициялар, Халқаро молия ташкилотларининг кредит ва грант маблағлари миқдори ҳамда қиймати бўйича ҳисоботи тайёрланди.

Тадбирда маълум қилинишича, ҳайвонларни идентификация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича Халқаро эпизоотик Бюро консултантлари Слободен Чокревски жалб қилинган. У йил охирига қадар ўз ҳисоботини тақдим этади. Бундан ташқари, ветеринария хизмати лабораторияларини ўрганиш ва керакли тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича Халқаро эпизоотик Бюро билан музокаралар олиб борилаётгани маълум қилинди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Жаббо

ровнинг маълум қилинишича, мамлакатдаги мавжуд чорва молларининг наслини яхшилашга жиддий киришилган. Эндликда барча ҳудудлардаги қорамоллар идентификациядан ўтказилиб, уларга электрон чип тақилади. Натижада, уларнинг ривожланиши, туғиш ёшидаги сизирларнинг ҳолати ва озуқа рационаси ҳақидаги маълумотлар ягона электрон базага киритилиб, таҳлил қилиб борилади. 2020 йилдан бошлаб, жойларда осеминаторлик хизматларини бепул амалга ошириш учун айни кунда ҳозирлик қўрилмоқда. Аҳолининг сифатли ва

хавфсиз бўлган сут-ғўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, бозордаги нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида барча туманларда сут ва ғўшт йўналишидаги чорвачилик мажмуалари бунёд этилмоқда. Йўналишида халқаро молия институтлари, хусусан, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Франция Ривожлантириш агентлиги ва Осие тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Ғузурда илк мактаб тарихи хотирланди

Ғузур туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабининг фаолият бошлаганига саксон беш йил тўлди. Билим дароҳидан учирма бўлиб кетган кўпласининг сифатли ва унда сабоқ берганлар вакиллари бутун мамлакатимиздан, ҳатто хориждан ҳам етиб келишди.

Туман ҳокими Садулла Бабақуловнинг бевосита раҳбарлигида бу учрашувга пухта ҳозирлик қўрилди. Мактабга маҳаллий бюджетдан таъмирлаш ва жиҳозлар сотиб олиш учун беш юз миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонаси раҳбари, мактабнинг собиқ битирувчиси Шокир Жабборов ўзи раҳбарлик қилаётган корхонада шу мактабнинг юзлаб битирувчилари меҳнат қилиб келаётганлиги учун миннатдорлик билдирди ва амалий ёрдам кўрсатишни зиммасига олди. “Шўртан” газ-кимё мажмуаси директорининг ўринбосари Фарҳод Қувватов, шу корхонанинг касабани уюшмала-

ри кўмитасининг раиси Юнус Ботировларнинг ёрдамлари салмоқли бўлди. Тошкентда меҳнат қилаётган тадбиркор Аҳадилла Норматов, ғузурлик тадбиркорлар Фарҳод Хўжа-нов, Самандар Усмонов сингари собиқ битирувчилар мактабга амалий ёрдам кўрсатишга бел боғладилар. Фарзандлари шу мактабда таълим олаётган туман прокурори Беҳзод Суянов, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Алишер Бўриевлар таъмирлаш ишларидан ҳар доим хабардор бўлишиб, катта ёрдам кўрсатишди. Туман ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм бошлиқлари ҳам ўз ёрдамларини аямадилар.

1961 йилда мактабни та-



момлаган собиқ ўқувчилар ўзларига бошланғич синфда таълим берган ўқитувчилари, Санкт-Петербург шаҳридан келган Антохина Мария Александровна хурсандчилик билан кутиб олдилар.

– Бугун мен кўриб турган мактаб биноси, кўзлари ёниб турган, ўз она тили ва рус, инг-

лиз тилларида раво сўзлаётган ўқувчиларни кўриб, мамлакатингизда таълимга катта эътибор берилганлигини англадим, – дея эътироф этди М.Антохина.

Собиқ ўқувчилардан юртимизнинг энергетика, нефтьгаз тармоқларига кўп йиллар муносиб ҳисса қўшган, соҳага

раҳбар бўлиб меҳнат қилган меҳнат фахрийси Қайюм Ҳаққулов, Термизийлар меросини ўрганиш илмий марказининг директори, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов, “Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раиси Январь Иноят-овларнинг табриклари, ёшларга қарата билдирган қимматли фикрлари барчада катта таассурот қолдирди. Мактаб директори Лола Усмонова меҳмонлар томонидан соғва қилинган уч юздан ортиқ китоблар тўплами, компьютер, телевизор ва бошқа совғаларни қабул қилиб олар экан, барча иштирокчиларга миннатдорлик билдирди. Республика Халқ таълими вазири Ш.Шерматов томонидан мактабга соғва тариқасида юборилган монитор тадбир жараёнида хизмат қилиб тўпланганларни хурсанд қилди.

Лола ҚУЛМАТОВА, Ғузур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари.

Маҳсулот кўпайиб, экспорт ҳажми ортмоқда

Бу “Ўзгротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти тизимидаги қатор корхоналар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Айни дамларда тизимдаги корхоналарда ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош, замонавий ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш борасидаги ишлар изчил олиб борилаётган.

Бугунги кунда биргина “Агрегат заводи” акциядорлик жамиятида хорижикидан асло қолишмайдиган 17 турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилаётган. Корхона конвейерларидан чиқаётган лазер нури ёрдамида ер текислаш техникалари, осма пуркагичлар, пахта ва ғалла экиш сеялкалари, ғўзани чилпишда ишлатиладиган воситалар, минерал ўғитларни сепишда қўлланиладиган мосламалар, озуқабоп экинларни ўришда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги техникалари бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам маълуми машхур. Биргина мисол. Корхонада ўтган йили 68 миллиард 768 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулот эса ички ва ташқи бозорларга етказиб берилди.

– Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида корхонамизда 12 миллиард 734 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилди, – дейди “Агрегат заводи” акциядорлик жамияти бош директори Шухрат Нурматов. – Шунингдек, 140 минг АҚШ доллари миқдоридagi қишлоқ хўжалиги техникалари Қозогистон, Туркменистон, Тожикистон сингари давлатларга экспорт қилинди. Бундан ташқари, маҳсулотларимиз турлари қаторига янги русумдаги пневматик пахта ва дуккакли экинларни экиш сеялкалари ҳам қўшилди. Эндиги навбат эса ғўза қатор ораларига ғалла экиш сеялкаларини ишлаб чиқаришга келди.

Дарҳақиқат, бугун корхонада ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари халқимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган “MADE IN UZBEKISTAN” ёрлиги билан қатор хорижий давлатларда ҳам ўз хариддорларини топмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, журналист.

Ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан республикамиз фармацевтика бозорига 2500 номдаги дори воситалари чиқарилган. Шунингдек, доривор ўсимликлар плантацияларини ривожлантириш мақсадида 11450 гектар ер майдонига доривор ўсимликлар экишдан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 8127 гектар ер майдонига қизилмиа илдизи плантациялари ташкил этилган.

Маҳаллий корхоналарда 2500 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётган

Доривор ўсимликлар хомашёси ва қайта ишланган маҳсулотлар қатор давлатларга экспорт қилинмоқда. Жумладан, ўтган йилда республика бўйича 6300 тонна хомашё ва 5700 тонна қайта ишланган тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотлар экспорт қилинган.

Бу ҳақда ақинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоқини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларини маблағларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Дори воситаларининг субстанциялари ва тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича ҳозирда 5 та корхонада 13,2 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Сирдарё вилояти

Ўтган йили Сирдарё туманида пилла етиштириш, саноат негизда чуқур қайта ишлаш, охири босқичда тайёр ипак ва матога айлантириш жараёнларини ўз ичига олган кластер усулидаги “Агро глобал” масъулиятли чекланган жамиятига асос солинди. Унинг негизда туманларда “Агро пилла” МЧЖлар ташкил қилиниб, тут кўчатларини экиш, парваришлаш, ипак қуртларини жонлантириб, боқиш ва тайёр ҳосилни қабул қилиш ҳамда уларни “Агро глобал”да босқичма-босқич қайта ишлашнинг яхлит тизими яратилди.

Кластер усулида шу ернинг ўзида хомашёнинг қайта ишланиб, тайёр ипакка (бу йил “Агро глобал”да атлас ва адрес тўқуви ҳам йўлга қўйилади) айлантириладиганлиги пиллачиларнинг моддий манфаатдорлигини бир неча ўн бараварга оширди. Энг муҳими, сара ҳосил тайёрлаган пиллачи топширган ҳосилни учун тарозининг бошида нақд пулни санаб олади. Хориждан сараланган уруғларнинг олиб келиниши, янги, маҳаллий навларнинг соҳага жадал татиқ этилиши бир йилда уч-тўрт марта ипак қурти боқиш, юқори сифатли пилла етиштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Илғор тажрибаларнинг қўлланиши натижаси ўлароқ ўтган йили вилоятда уч босқичда 400 тонна сара

Тўрт босқичли пилла етиштириш тажрибаси

Ипак қурти парваришига инновацион ҳолатларни жадал татиқ этиш билан бирга пиллачиларнинг моддий манфаатдорлиги янада ошишини ҳам таъминлаётир

“кумуш тола” етиштирилди. Жорий йилда эса ипак қуртини бир йилда тўрт марта боқиш тизими жорий этилди. Ҳозир биринчи, иккинчи босқичдаги ипак қуртини боқиш, етиштирилган ҳосилни топшириш ишлари қизгин давом эттириладиган бўлса, июнь ва июль ойларида учинчи, тўртинчи боқувчи амалга оширилади. Тутзорлар парваришида тажрибаларга амал қилиниб, туманларда сербарг, юқори ҳосилли тут плантацияларининг барпо этилаётганлиги пилладан юқори сифатли ҳосил олиш имконини бермоқда. Чунончи, вилоятда тут майдонлари 1323 гектарга етказилди. Йул ва ариқлар бўйларидаги тутлар ҳам парвариш қилинаётир.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, кўчатчиликка ихтисослаштирилган звеноларда шу йил баҳорда 1 миллион донга тут кўчати етиштирилиб, туманларда янги тутзорлар яратилди. Айниқса, вилоятнинг Боёвут, Гулистон, Ховос туманларида шахсий томирқаларда уруғдан тут кўчати етиштириш тажрибаси амалиётда кенг синаб қўрилмоқда. Бу тажриба ҳозирдан ижобий натижа бераётир. Боёвут туманидаги томирқа эгаси А.Инатиллаев бу йил кўкларнинг ўзида 250 минг туп, Гулистон туманидаги шахсий томирқа эгаси Ҳ.Нурбоев 300 минг туп кўчатини етиштириб, тарқатди ва шунинг ўзидан баракали даромад олди.



2019 йилда 430 тонна сархил пилла етиштиришни мақсад қилган вилоят пиллакорлари биринчи, иккинчи босқичда 7800 қурти ипак қурти парвариш қилди. Боқилган қуртларнинг 4640 қутисини Хитойдан келтирилган, интенсив усулда парвариш қилинадиган навлар ташкил қилди.

Об-ҳавонинг нисбатан салқин келганлиги, ипак қурти озуқа базасининг сероблиги мавсумни муваффақиятли ўтказишда қўл келди. Ипак қуртлари парвариши шу сабабдан ҳам юқори агротехника, зооветеринария талаблари даражасида олиб борилди. Пиллачиларнинг моддий манфаатдорлиги, қуртхоналарнинг барча зарур ашёлар

билан таъминланганлиги сертола ҳосил етиштиришга пухта замин яратди. Ипак қурти боқувчиларга олдиндан ҳар қутисига бунак ҳисобидан бир қондан ун, 5 килограммдан пахта ёғи тариқатилди. Яна топширган ҳосилни учун ҳар килограммига 17 минг сўмдан пул тарозининг бошида санаб берилаётир. Икки қурти ипак қурти парваришлаган оила икки ойда ўртача 3,5 миллион сўм соғинага эга бўлади. Учунчи, тўртинчи босқичда ҳам шу эзгу ишини давом эттириш, оилага келаётган соф фойда 5 миллион сўмдан ошади.

Мавсумда икки-уч ой пилла боққан уй бекасига меҳнат дафтарчаси очилиб, бир йиллик меҳнат стажига қонуний

қайд этиб қўйилади. Мана кўряписими, мўмай даромад, ҳам пенсияга чиқиши учун қулай имконият!

Пиллачилар учун яратилаётган қулайлик ва гамхўрликлардан оқилона фойдаланаётган вилоят пиллачилари “кумуш тола”ни йиғиб, топширишни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Вилоятнинг Ховос, Боёвут, Гулистон туманлари пиллачилари етиштирилган ҳосилни топширишга биринчилардан бўлиб киришдилар.

Ховос туманида ўтказилган қалдирғоч ҳосилни топширишга бағишланган тадбирда туман пиллакорлари ҳам енг шимарли меҳнат қилганлиги намоён бўлди. “Ховособод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ховос Аббос” фермер хўжалиги пиллачиси Саодат Элмуродова 2 қурти ипак қуртидан 120 килограмм сархил ҳосил топширди. Шу маҳаллада яшовчи Шаҳодат Насруллаева 1,5 килограммдан пахта ёғи тариқатилди. Яна топширган ҳосилни учун ҳар килограммига 17 минг сўмдан пул тарозининг бошида санаб берилаётир. Икки қурти ипак қурти парваришлаган оила икки ойда ўртача 3,5 миллион сўм соғинага эга бўлади. Учунчи, тўртинчи босқичда ҳам шу эзгу ишини давом эттириш, оилага келаётган соф фойда 5 миллион сўмдан ошади.

Мавсумда икки-уч ой пилла боққан уй бекасига меҳнат дафтарчаси очилиб, бир йиллик меҳнат стажига қонуний

этаётган барча пиллачиларни қалдирғоч ҳосил байрами билан табриқлади ва келгуси йили Ховособод маҳалласида 800 гектар майдонда алоҳида янги тутиқлик звенолари фаолияти йўлга қўйилиши ва туман вилоятда йирик пилла етиштириш ҳудудига айланишига ишонч билдирди. Дастлабки кунёқ пилла топшириш шартнома режаларини ошириб бажарган бир гуруҳ пиллачиларга эсдалик совғалари топширилди.

Қаердаки, моддий рағбат, манфаатдорлик биринчи даражали вазифага айланса, албатта, шу ерда баракали хирмон яратилиб, иқтисодий барқарорлик ўсиб бориши аниқ экан. Буни Сирдарё вилоятида пилла етиштиришнинг тўрт босқичли тизими жорий этилгани, барча пилла етиштирувчиларни бирлаштирган кластер шаклидаги “Агро глобал” МЧЖда пиллани етиштириш, қайта ишлаш, чуқур қайта ишлаш кенг миқёсда йўлга қўйилаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

– Ховособод маҳалласи пиллачиларининг ғайрат-шижоати, у ерда яратилган шароит бизга жуда манзур бўлди, – дейди “Ўзбекистансаноат” уюшмаси қошидаги ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг директори Шавкат Ачилов. – Ховос туманида пиллачиликни жадал ривожлантириб, келгуси йили “Ховособод” маҳалла фуқаролар йиғини марказий қўроғида пиллани қайта ишлаш корхонасини барпо этамиз. Корхона ишга туширилиши ҳисобига 100 дан зиёд хотин-қиз доимий иш билан таъминланади ва ипакчилик саноатини жадал тараққий эттириш, ўзбек ипаги, атлас адраси довруғини дунёга танитиш ишмизининг асосий мезонига айланади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



Жайхун тугаган жой

3-мақола

Мўйноқ туманининг худуди йилдан йилга кенгаётганининг асосий сабаби битта, у ҳам бўлса Орол денгизининг тобора ортга чекинаётганлигидир. Расмий равишда Мўйноқнинг худуди 37,9 минг км². Аммо шқи-уч йилдан сўнг бу рақамлар яна ўзгарса ажабмас. Мўйноқда ҳозир 30 минг 900 нафар аҳоли бўлиб, шундан 15 мингдан кўпроги ёшлардир. Юртбошимизнинг Мўйноқ тумани борасида қабул қилган қароридан сўнг туманда катта ўзгаришлар бўлди. Биргина ўтган йили мингдан ортқ иш ўрни яратилди.

Туман ҳокими Сайлаубай Данияровнинг айтишича, айти пайтда ҳокимият аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширолмади. Хусусан, минерал тузлар ишлаб чиқариш, иссиқхоналар қуриш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича ишлар кетмоқда. Туманда 3 мингга яқин бола боғчага боради. Аммо бу етарли эмас. Давлат ва хусусий шериклик асосида 10 та МТМ очиб, қўшимча 450 нафар болани қамраб олиш учун имконият қидирилмоқда. Энг асосийси, туманининг Ушсой қишлоғи "Обод қишлоқ" дастурига кирган. Ҳозирча бюджет ҳисобидан 101 та оиланинг уйи таъмирланган.

Мўйноқ тумани марказидан атиги бир километр узоқликда кемалар қабристонини жойлашган. Чунки Жайхун (Амударё) бугун Оролгача етиб келмапти. Унинг сувлари Мўйноқ тумани маркази атрофини ўраб турган 30 дан ортқ кўллариғина тўлдирмоқда, холос. Шу сабабли аҳоли асосан балиқчилик билан банд. Тобора чекинаётган денгиз ўз ўрнини майдони 5 млн. кв. метрдан ортқ бўлган Оролқум номини олган сахрога бўшатиб бермоқда. Сахро одамларни ҳам ўз домига тортмаслиги, кўчиб юрвчи қум-туз буронлари кўтаришмаслиги учун ҳар йили денгиздан "бўшаган" ерларга саксовул уруғи сеппилади. "Ҳоким бува"нинг айтишича, биргина ўтган йили 500 млн. сўмлик саксовул экиш ишлари олиб борилган. Туманда қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланиб, аҳоли асосан қишлоқ, мош, бугдой, полиз экинларини экмоқда.

— Мўйноқда туғилиб, ўсдим, — дейди Октябрь Дуспанов. — 1990 йилларда қовун-тарвуз мўл бўларди. Эсимда, мактабимиздаги бир бола отаси билан тарвуз етиштириб, битта тарвузга ўз исмини, манзилини ўйиб ёзган. Тарвуз эса Россияда сотилган. Маълум вақт ўтган, Россиядан унга: "Биз сен етиштирган тарвузни едик, роса ширин экан. Раҳмат сенга", деб хат келган эди. Кейинчалик Оролнинг ортга чекинishi сабабли ерларни ҳам туз қоплаб бошлади. Мўйноқ халқи полиз экинларини экмай қўйди. Ҳозир Амударё сувлари туйфайли яна деҳқончилик бошланганидан хурсандман.

Бугун Орол денгизи тарихга айланиб бораёттир. Бу ерда ҳаёт қайнаган даврларни намойиш этиш мақсадида очилши кутилётган Мўйноқ тарихи музейи бизни экспонатларга бойлиги, юксак дид ва замонавий тарзда жиҳозланганлиги билан ҳайратлантирди. Нафақат Орол ва кемалар қабристонини, балки музей ҳам Мўйноқда туризм ривожига ўз хиссасини қўшишига амин бўлди.

СУДОЧЬЕ КЎЛИ ФЛАМИНГОЛАР ВАТАНИМИ?

Оролбўйи худудининг энг машҳур кўлларида бири Судочье, қорақалпоқ тилида "Сууы душы" (Суви чучук) деб аталади. Чунки 1970 йилларгача кўлнинг суви чучук бўлган ва балиқчилик ривожланган. Судочье кўли Амударё дельтасида жойлашган бўлиб, унинг Равшан ва Приемузоқ ирмоқлари кўлни сувга тўлдириб турган. Аммо Амударёнинг суви қишлоқ хўжалигига кўплаб олинishi кўл сувининг камайishi ва кичик кўллارга бўлинишига олиб келди. Орол денгизи қуримганича унинг бири қисми Судочье кўлига қўшилиб, асосан балиқларнинг урчиш жойи бўлган. 1980 йилларда кўлда бир йилда 2000 тоннагача балиқ овланган. Айти пайтда кўл Оролдан 85 км. узоқликда қолган. Шунга қарамай у ҳамон маҳаллий халқни балиқ билан боқмоқда. Энг қувонарлиси, бу ерда фламинголарнинг қайтишидир. Мана, бир неча йиллардан бери бу ерда май ойларининг бошида фламинголар учиб келади. Маҳаллий балиқчиларнинг айтишича, фламинголар бу ерда ин қуриб, бола очади. Глобал экологик жамғарманинг "Судочье сув ботқоқ худудларининг экологик мониторинги" лойиҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, миграция мавсумида кўлда 230 турга яқин

қушлар йиғилади. Шулардан 40 мингга яқини ёзда шу ерда яшайди. 2014 йилнинг май ойида орнитологлар бу ерда 7000 га яқин пушти фламинголарни кўришган. Афсуски, Судочье кўлига сафаримиз чоғида биз уларни учратмадик.

Табиатнинг қушандаси бўлган инсон ана шу гўзалликдан баҳра олиш ўрнига йўқлиб бораётган Судочье ҳайвонот дунёсини ҳам йўқ қилиш арафасида. Ноқонуний ов ва бошқа тақиқланган ишлар Судочьеда қушлар сонининг камайishiга сабаб бўлаёттир.

СТАРОВЕРЛАР НЕГА ОРОЛБЎЙИГА КЎЧИРИЛГАН ЭДИ?

Судочье кўлининг атрофида бузилган уйлар, нураган балиқни қайта ишлаш заводи ва староверларнинг (христиан дини оқими намояндлари) қабристонига дуч келдик. Археолог Октябрь Дуспановнинг айтишича, Урал казакларининг бири қисми 1875-1877 йилларда Чор Россия императори Александр II нинг фармониға биноан Оролбўйига сургун қилинган. Казаклар 1875 йилдан Казалинскдан, аввал Первоначальное овули, кейин Петроалександровск (ҳозирги Тўртқўл), Чимбой, Қўнғирот, Нукусга кўчирилади. Янги жойга казаклар тезда мослашиб, Амударё дельтасида балиқ ови, ов билан шуғулланишди. Ҳаттоки хўжатларда қайд этилишича, балиқ овини тўлиқ монополаштиришган. Навигацияни ўрганиб, староверлар Мўйноқдан Чоржўйгача балиқ, ун, керосин, шаккар билан савдо-сотикни йўлга қўйишган.

1920 йилда большевиклар Хивада ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатган, коллективлаштириш бошланади. Бунга қарши казаклар кўзголон кўтариб, Чимбой Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилади. Аммо 1930 йилларда амалга оширилган террорчилик ҳаракати ҳам казакларнинг матонатини синдирмайди. Совет Иттифоқи даврида ҳам улар ўз эътиқодларини сақлаб қоладилар. Орол чекинishi билан казаклар ҳам 100 йил давомида яшаб, обод қилган жойларини ташлаб кета бошлайди. Уларнинг бири қисми Ўзбекистоннинг сувли худудларига, қолганлари ўз юртлари Уралга кўчиб кетди. Фақатгина санокли староверларгина Нукусда муқим яшаб қолдилар. Чунки Улар Қорақалпоғистонни ўз Ватанлари деб билшган эди.

Орол денгизидан Нукусга қарама-қарши ҳислар қуршоғида қайтдим. Минглаб одамларга ҳаёт бахш этган денгиз энди деярли йўқ. Унинг қолган қисми ҳам Оролни кўтқариш мақсадида тузилган жамғармалар, ажратилган маблагларга қарамай, қуриб бормоқда.

1993 йили БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси ташкил этилган. Мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси экологик ҳалокатнинг атроф-муҳитга, муҳими, минтақа аҳолиси ҳаётига салбий таъсирини камайитириш, Орол денгизи ҳавзаси худудидидаги биологик хилма-хиллиқни сақлаб қолишдан иборат. 2008 йил декабрдан буюн Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси БМТ Бош ассамблеяси ва сессиялари кузатувчиси, деган макомга эга бўлди. Жамғарма Ижроия қўмитаси Тошкент, Олмаота, Бишкек, Душанбе, Тошқовуз, Қизил Урда ва Нукус шаҳарларида ўз бўлимларига эга. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Давлатлараро барқарор ривожлантириш комиссияси, Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги Жамғарма тузилмаси таркибига киради.

Балки ана шу маблагларни йиғилишлар, семинарлар, учрашувлар учун эмас, суви тежаш, Оролбўйи табиатини, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш учун сарфлаш мақсада мувофиқ бўлар эди. Албатта, қисман бундай ишлар қилинди. Хусусан, Амударё дарёси қирғоқлари бўйлаб янги тилдаги қўриқларни ҳудуд — "Қуйи Амударё биосфера резервати" ташкил этилди. Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий хўжжати сифатида тарқатилган "Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экзотизмлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури" ишлаб чиқилди. Аммо денгизнинг "хафагарчилиги" ҳамон тарқатилган йўқ. У чекинмоқда. Ҳануз ўзига тикилган, қайтишини интизорлик билан кутиб, ҳар куни Аллоҳдан сўраётган инсонлар ноласига эътибор бермай, кетмоқда. Чунки одамлар уни жуда... жуда хафа қилишди. Энди эса денгиздан узр сўраш эмас, балки ҳануз одамларни боқётган Оролнинг қолганини асраш керак.

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист.

✓Реклама ва эълонлар

"Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ тизимидagi "ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ" акциядорлик жамияти

куйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини
буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. info@TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

СПЕШИТЕ ПРИОБРЕСТИ СОВРЕМЕННУЮ ТЕХНИКУ!!!

<p>651 300 000 сум 754 300 000 сум</p> <p>КАМАЗ 5490 (NEO)</p>	<p>439 300 000 сум 530 300 000 сум</p> <p>КАМАЗ 5460</p>	<p>480 000 000 сум 580 000 000 сум</p> <p>КАМАЗ 6460-26001</p>	<p>436 000 000 сум 505 000 000 сум</p> <p>КАМАЗ 6460-001</p>
<p>201 800 000 сум 234 900 000 сум</p> <p>Шторно-тентовый полуприצע 92 м</p>	<p>377 700 000 сум 527 700 000 сум</p> <p>Полуприצע-рефрижератор 83 м</p>	<p>200 000 000 сум 208 000 000 сум</p> <p>Приצע шторно-тентовый 50 м</p>	

ООО "I-Son Avtokorxonasi" тел: +99 897 447 88 39

Муаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологикалари университети томонидан 2017 й. да Аллаёров Қосимхон Шукридан ун-га берилган талабалик гувоҳномаси йўқлиги муносабати билан бекор қилинди.

Миробод т.да рўйхатдан ўтган "RADO TRADING GROUP TASHKENT" М-Ҳ (СТПР 305853668) ўз устав фондида 2 679 816 780 сўмдан 65 000 000 сўмгача камайishi маълум қилади.

Тошкент ш. Қорақалпоғистон 1/2 4-уй 23-хондонга Олмаозор т. кадастр хизматлари томонидан Сафиуллина Илғай Фатима номига берилган кадастр хўжатлари йўқлиги сабабли бекор қилинади. (Давлат ордери 05-01/10895. 1993 й. 12 июнда берилган).

"LE PARFUM" МЎЙНОҚ (СТПР 305704353) устав фонди 670 010 000 сўмдан 336 091 500,00 (уч юз ўттиз олти миллион тўқсон бир миң беш юз) сўмгача камайishi. Мурожаат учун манзил: Олмаозор т. Қора-Қамиш 2/4 Юнусова кў. 2-уй 57-хондон.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
даҳддор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадхон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:	
Андижон	— (+99893) 630-73-03;
Бухоро	— (+99891) 401-29-59;
Жиззах	— (+99893) 940-10-78;
Навоий	— (+99891) 332-50-99;
Наманган	— (+99893) 948-53-86;
Фарғона	— (+99890) 407-76-03;
Самарқанд	— (+99897) 575-50-87;
Сирдарё	— (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	— (+99890) 520-20-05;
Тошкент	— (+99890) 976-39-58;
Хоразм	— (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	— (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Ғ-525, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва

дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 265 нускада чоп этилди

НАШР ИНДЕКСИ — 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 00.20

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ